

YURIDIK FANLAR Axborotnomasi

Вестник юридических наук

REVIEW OF LAW SCIENCES



huquqiy ilmiy-amaliy jurnal

правовой научно-практический журнал

legal scientific-practical journal

2021/2



# MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ  
NAZARIYASI VA TARIXI.  
HUQUQIY TA'LIMOTLAR TARIXI

- 6 **GAFFAROVA SHAKHNOZA  
NURITDINOVNA**  
Ensuring equal rights of women and  
men: the experience of Uzbekistan

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY  
HUQUQ. MA'MURIY HUQUQ.  
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 13 **ХАМИДУЛИН МИХАИЛ  
БОРИСОВИЧ**  
**АБДУЛОВ ДАМИР  
РУСТАМОВИЧ**  
О вопросах несоответствия  
бухгалтерского и корпоративного  
законодательства

- 19 **ЯКУБОВ ШУХРАТ  
УММАТАЛИЕВИЧ**  
Давлат бюджети устидан  
жамоатчилик назоратини амалга  
ошириш

- 35 **ЭРГАШЕВ ИКРОМ  
АБДУРАСУЛОВИЧ**  
Солиқ маданиятини юскалтириш  
солиқ интизомини таъминлашнинг  
муҳим элементи

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.  
TADBIRKORLIK HUQUQI.  
OILA HUQUQI.  
XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 43 **БОЛТАЕВ МАНСУРЖОН  
СОТИВОЛДИЕВИЧ**  
Ихтиёрий тиббий суғурта  
шартномаси объектини аниқлаш  
муаммолари

- 53 **ҒУЛОМОВ АКМАЛЖОН ШУКУРИЛЛАЕВИЧ**  
Қишлоқ хўжалигида шартномавий мажбуриятни бажармаганлик учун қарздорнинг айбдорлик презумпцияси

---

12.00.06 – TABIIY RESURLAR HUQUQI.  
AGRAR HUQUQI. EKOLOGIK HUQUQ

- 59 **УЗАКОВА ҒЎЗАЛ ШАРИПОВНА**  
Шаҳарларда қурилиш фаолиятини экологизациялашнинг ҳуқуқий масалалари
- 71 **ТОШБоеВА РОБИЯ СОБИРОВНА**  
Вопросы дальнейшего совершенствования водно-кадастрового законодательства Узбекистана

---

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.  
HUQUQBUZARLIKLARNING  
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.  
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

- 88 **MUSAEV DJAMALIDDIN KAMALOVICH**  
International crime prevention experience in the field of drug trafficking, psychotropic substances and their analogues
- 96 **ОЧИЛОВ САМАРИДДИН КАМОЛИДДИНОВИЧ**  
Шартли ҳукм қилиш институтининг юридик табиати
- 105 **ТАШЕВ АЗИЗБЕК ИБРАГИМОВИЧ**  
Возникновение и развитие института отведения несовершеннолетних от системы правосудия

---

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.  
KRIMINALISTIKA. TEZKOR-QIDIRUV  
HUQUQI VA SUD EKSPERTIZASI

- 113 **ЧОРИЕВА ДИЛБАР МЕНГДАБИЛОВНА**  
Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи фаолиятида тортишув принципининг таъминланиши аҳамияти

127 **АБДУЛЛАЕВ РУСТАМ  
КАХРАМАНОВИЧ**  
Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг  
криминалистик таъминоти  
мақсад ва вазифалари

136 **КАБИРЗОДА ГАВХАРОЙ  
КОСИМИ**  
Проблемы процессуально-  
правовых основ уголовного  
преследования

## 12.00.10 – XALQARO HUQUQ

145 **БИНАКУЛОВ АЛИЖОН  
БОЛИ ЎҒЛИ**  
Мажбурий тиббий суғурта:  
халқаро-ҳуқуқий асослар, хорижий  
давлатлар тажрибаси ва  
Ўзбекистонда унинг ҳуқуқий  
асосларини яратиш

157 **TUYSHIEV FARRUKH  
ABDUMAJITOVICH**  
The concept of public policy in  
international commercial arbitration:  
refusal of the recognition and  
enforcement of foreign arbitral  
awards ex officio in Uzbekistan

165 **ЮНУСОВ ҲАЙДАРАЛИ  
МУРАТОВИЧ**  
АҚШда нодавлат ноҳукумат  
ташкilotларининг юридик  
таълимдаги ўрни

173 **VALIJONOV DALER  
DILSHODOVICH**  
Prosecutor's supervision of the  
implementation of law on mutual  
legal assistance in criminal matters

183 **TURSUNOV ABDUKHALIL  
ABDUSALIMOVICH**  
Insights for Central Asia from the  
principles and disputes of  
international water law

UDC: 336.148

ORCID: 0000-0002-1512-9013

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

**Якубов Шухрат Умматалиевич,**  
юридик фанлар доктори (DSc), доцент,  
Тошкент давлат юридик университети,  
“Конституциявий ҳуқуқ” кафедраси профессори в.б.;  
e-mail: shuhrat.yakubov.uzb@gmail.com

**Аннотация.** Мазкур мақолада жамоатчилик назоратининг янги ва истиқболли йўналиши илмий таҳлил этилган. Бу – давлат бюджети, унинг ижроси устидан фуқаролар ва кенг жамоатчилик олиб борадиган назорат. Молиявий назорат бюджет маблағларининг самарали сарфланишида муҳим аҳамиятга эга. Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг фаол иштироки ижобий натижаларга олиб келгани каби, бу метод бюджет харажатларининг мақсадли ишлатилишига хизмат қилади. Мазкур тадқиқот иши кузатиш, умумлаштириш, аксиоматик, статистик, формал-юридик ва қиёсий методлар асосида амалга оширилди. Фуқароларнинг молия назоратидаги иштироки кузатилди ва бу соҳа таҳлил қилинди. Мавжуд ҳуқуқий асослар ва уларнинг амалий ижроси ўрганилди. Натижада фуқаролар томонидан молиявий назоратни амалга оширишдаги айрим муаммолар аниқланди. Хусусан, норматив-ҳуқуқий асосларнинг тўлиқ шаклланмаганлиги ва унинг сабаблари; бюджет лойиҳаси муҳокамаси ва унинг ижросида очиқлик ҳамда шаффофликнинг этишмаслиги; айрим давлат молиявий назорати субъектларининг коррупцияга аралашуви; бюджет харажатларининг самарасиз ҳамда айрим мансабдорларнинг манфаатлари йўлида сарфланиши; бюджет лойиҳаси муҳокамаларида кенг жамоатчилик фикрини ҳисобга олишнинг механизмлари ривожланмаганлиги; ушбу муаммоларни ҳал этиш учун, албатта, фуқароларнинг давлат бюджети ижроси устидан назоратини кучайтириш керак, деган хулосага келинди. Ҳар бир фуқаро бюджет даромади ва харажатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳамда уни назорат қилишга ҳақли. Мақолада ушбу соҳадаги муаммолар таҳлилдан келиб чиқиб, айрим муаллифлик таклифлари илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** жамоатчилик назорати, давлат бюджети, бюджет харажати, фуқаролик молия назорати, фуқаролар учун бюджет, очиқ бюджет, жамоатчилик молия назорати объекти ва субъектлари.

## ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ НАД ГОСУДАРСТВЕННЫМ БЮДЖЕТОМ

**Якубов Шухрат Умматалиевич,**  
доктор юридических наук, доцент,  
и.о. профессора кафедры «Конституционное право»  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье с точки зрения науки проанализировано новое и перспективное направление общественного контроля. Это – контроль со стороны населения и общественности над государственным бюджетом и его исполнением. Финансовый контроль имеет важное значение в эффективном использовании бюджетных средств. Подобно тому, как активное участие граждан в государственном управлении привело к положительным результатам, этот метод

служит обеспечению целевого использования бюджетных средств. Исследование проводилось на основе наблюдательного, обобщающего, аксиоматического, статистического, формально-правового и сравнительного методов. Проведены наблюдение и анализ участия граждан в финансовом контроле. Изучена действующая нормативно-правовая база и ее практическая реализация. По результатам выявлены проблемы в осуществлении финансового контроля со стороны граждан, в частности: неполное формирование нормативно-правовых основ; недостаток открытости и прозрачности при обсуждении проекта бюджета и его исполнении; коррупционные проявления в деятельности некоторых субъектов государственного финансового контроля; неэффективное и нецелевое расходование бюджетных расходов в интересах отдельных должностных лиц; неразвитость механизмов учета мнения широкой общественности при обсуждении проекта бюджета. Сделан вывод о том, что для решения этих проблем следует усилить общественный контроль за исполнением государственного бюджета. Каждый гражданин имеет право на получение информации и ведение контроля над доходами и расходами бюджета. На основе анализа проблем в этой сфере в статье представлены авторские предложения.

**Ключевые слова:** общественный контроль, государственный бюджет, расходы бюджета, гражданский финансовый контроль, бюджет для граждан, открытый бюджет, объект и субъекты государственного финансового контроля.

## IMPLEMENTATION OF THE PUBLIC CONTROL OVER THE STATE BUDGET

**Yakubov Shukhrat Ummataliyevich,**

Doctor of Juridical Science (DSc), Associate Professor,

Tashkent State University of Law,

Acting Professor of the Department of Constitutional Law

**Abstract.** A new and prospective area of public control is scientifically analyzed in the article. This is the control over the state budget, its execution by citizens and the public. Financial control is important for the efficient use of budget funds as well. Just as the active participation of citizens in public administration has led to positive results, this method serves the targeted use of budget expenditures. This research was conducted based on observation, generalization, axiomatic, statistical, formal-legal, and comparative methods. Citizens' participation in financial control was observed and analyzed. The existing legal framework and its practical implementation were studied. As a result, some problems in the implementation of financial control by citizens were identified: an incomplete formation of the normative-legal framework and its causes; lack of openness and transparency in the discussion of the draft budget and its implementation; interference of some subjects of state financial control in corruption; inefficient spending of budget expenditures for the benefits of certain officials; underdeveloped mechanisms for taking public opinion into account in the discussion of the draft budget. It was concluded that citizens should strengthen their control over the execution of the state budget to solve these problems. Every citizen has the right to have information on and control over budget revenues and expenditures. The article presents some authorial suggestions based on the analysis of problems in this area.

**Keywords:** public control, state budget, budget expenditure, civil financial control, budget for citizens, open budget, object and subjects of public financial control.

### Кириш

Давлат бюджети, унинг шаклланиши, даромад ва харажатлар доимо жамоатчи-

лик учун қизиқ ва долзарб мавзудир. Чунки ҳар бир фуқаро ўзи тўлаган солиқлар ҳисобига шаклланган давлат бюджетини

қайси асослар ва қандай йўналишларга тақсимланаётганини билишни истайди. Ва бунга тўлиқ ҳақлидир.

Давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини солиқлар ташкил этади [1]. Яъни фуқароларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, меҳнати эвазига топган даромадлари ва мулклари учун тўлаган солиқлар ҳисобига шаклланади. Шунингдек, мамлакатнинг табиий бойликлари ҳам давлат бюджети таркибида алоҳида ўрин эгаллайди. Улар ҳам умуммиллий бойлик ҳисобланиб, унда ҳам ушбу мамлакат фуқаросининг ҳаққи ва улуши бор.

Давлат бюджетининг шаклланиши, солиқ сиёсати ва тўпланган хазина тақсими тарихда ҳам долзарб масала бўлган. Масалан, Қадимги Юнонистон (Афина)да миллоддан аввалги 500-300 йилларда “фаолияти жамият томонидан бошқариладиган аудиторлар сайланганлиги” ҳақида маълумотлар қайд этилган [2]. Ёки Шри-Ланкада 831-1016 йилларда “буддист-роҳиблар жамоалари томонидан хайр-эҳсонлар бўйича ҳисоботларни эшитиш” амалиёти мавжуд бўлган [3].

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида турли тарихий даврларда ҳукм сурган бир қатор давлатларда ҳам хазина ва унинг назоратига жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, Салжуқийлар ва Амир Темури давлатида хазинанинг шаклланиши, унинг даромад ва харажатлари алоҳида назорат остида бўлгани қайд этилган [4]. Оқилона солиқ сиёсати ва бюджетни назорат қилиш масалалари, айниқса, Темурийлар даврида давлат бошқарувининг энг устувор йўналишларидан бир бўлган [5].

Тарихнинг турли даврларидаги мамлакатларнинг бу йўналишдаги амалиёти ва тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, қайсики давлатда бюджетнинг даромад ва харажатларига оқилона муносабатда бўлинган бўлса, шу мамлакатлар ўз даврида тараққиёт ва фаровонликка эришган.

Жамоатчилик молиявий назоратининг айрим шакллари қадимдан мавжуд бўлишига қарамасдан, бу масаланинг илмий-ҳуқуқий жиҳатлари нисбатан кам ўрганилган ва амалиётга деярли татбиқ этилмаган. Шубҳасиз, ушбу мавзу бугун ҳам долзарб бўлиб, келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Яна бир муҳим жиҳати, бу – нафақат битта давлат ёки минтақага тегишли, балки бутун дунё ҳам-жамияти учун ҳам ғоятда аҳамиятли, қизиқарли мавзу ҳисобланади.

Ҳозирга қадар давлат бюджети ижроси устидан давлат назоратининг турли усуллари шаклланган. Айниқса, давлат молиявий назоратининг ҳар хил шакллари амалда кенг қўлланилмоқда [6]. Шунингдек, давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати ҳам мавжуд. У давлат назоратининг бошқа турларига нисбатан таъсирчанлиги билан ажралиб туради [7]. Тараққий этган барча мамлакатларда давлат бюджетини назорат қилиш парламент фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

### **Материал ва методлар**

Мазкур тадқиқот иши кузатиш, умумлаштириш, аксиоматик, статистик, формал-юримдик ва қиёсий методлар асосида амалга оширилди. Фуқароларнинг молия назоратидаги иштироки кузатилди ва бу соҳа таҳлил қилинди. Мавжуд ҳуқуқий асослар ва уларнинг амалий ижроси ўрганилди. Натижада фуқаролар томонидан молиявий назоратни амалга оширишдаги айрим муаммолар аниқланди.

### **Тадқиқот натижалари**

Олиб борилган таҳлиллар, изланишлар давлат бюджетининг харажатлари устидан давлат назорати шакллари нисбатан муқобил (нодавлат) усуллар деярли ривожланмаганини кўрсатмоқда. Бу жараёнда фуқароларнинг иштироки ҳам талаб даражасида эмас. Яъни давлат бюджети ижроси устидан кенг жамоатчилик назорати ва фуқароларнинг бу жараён-

даги иштирокини кучайтириш зарурати мавжуд.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, молиявий соҳада содир этилган ҳуқуқ-бузарликларнинг 36 фоизи аҳоли ёрдамида: уларнинг хушёрлиги, фуқаролик позициясининг мавжудлиги, жамият, сиёсий ва иқтисодий ҳаётда содир бўлаётган жараёнларга чинакам қизиқиш билан аниқланади [8].

Бюджет лойиҳасининг муҳокамасидан бошлаб унинг якуний ижросигача бўлган жараёни кенг жамоатлик кузатиши ҳамда ундан хабардор бўлиши аҳамиятлидир. Мазкур муаммо ҳозирда олимлар ва кенг жамоатчилик вакиллари томонидан тез-тез муҳокама қилинмоқда. Унинг ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатларига эътибор ортмоқда.

Давлат бюджети ижроси устидан фуқаролар назоратини амалга ошириш мавзуси иқтисод ва ҳуқуқ, молия ва социология, ҳуқуқ ва бошқарув фанлари уйғунлигида тадқиқ этилиши зарур бўлган долзарб масаладир.

Ҳозиргача ушбу мавзунинг турли жиҳатлари қатор олимлар томонидан илмий тадқиқ этилган. Хусусан, Жорж Хейл ва Скот Дугласлар томонидан “Бюджетни ижро этиш сиёсати: давлат ва маҳаллий бошқарув органларида молиявий манипуляция” номли илмий мақолада “бошқарув” тўғрисидаги турли назарияларни ишлаб чиқишдан аввал бюджет ижроси бўйича фундаментал тадқиқотлар ўтказиш зарур, деган хулосага келинган [9]. Бу жуда асосли фикр бўлиб, бюджет ижросининг чуқур таҳлили келажак стратегияси ва истиқболли режаларни белгилаш учун ҳам аҳамиятлидир.

Ёки Аллен Шик тадқиқотида бюджет ижроси, унда ахборот эҳтиёжи, бюджетни бошқариш ресурслари, сиёсий муҳит масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, бюджет ижроси назоратида давлатнинг роли жуда кучайиб кетганлиги қайд этилган. Бу

каби хулосалар ҳам давлат бюджети ижросида жамоатчилик таъсири ва ролини ошириш зарурлигига йўналтирилган [10].

Фред Томпсон ва Уильям Зуметалар эса давлат бюджети ижросида давлат сектори ходимлари кўпинча ўз назорат функцияларини суиистеъмол қилишларини қайд этган. Шунингдек, улар айрим ҳолатларда давлат ходимлари назоратининг кучайиб кетиши ва ҳақиқий мақсадга хизмат қилмаслигини таъкидлайдилар [11].

Давлатнинг молиявий фаолиятида фуқароларнинг иштироки давлат бошқарувида аҳоли иштирокининг муҳим бир қисмини ташкил этади. Шунингдек, бундай назорат турли ташкилий-ҳуқуқий шакллар орқали амалга оширилади [12].

Юқоридаги олимларнинг фикрлари ҳам давлат бюджети ижроси устидан янги-ча ва замонавий назоратни жорий этиш заруратини тасдиқлайди. Фикримизча, бундай усул – фуқаролар ва жамоатчиликнинг давлат бюджети устидан назорат олиб бориши ҳисобланади.

Охирги ўн йилликда олимлар томонидан “фуқаролар учун бюджет” ғояси илгари сурилмоқда [13]. Бу ғоя мазмунан бюджет ижроси устидан назорат функциясининг давлат органларидан фуқароларга, аҳолига ўтиши тенденцияси билан изоҳланади. Фуқароларни молиявий назоратга жалб этиш орқали давлат бюджети ижросидаги самарадорлик ва қонунийликни таъминлаш асосий мақсадга айланмоқда.

Е.И. Савинова ва С.В. Савиновлар “молия соҳасида илмий изланиш олиб борган кўплаб олимлар молиявий назорат турларини таснифлаганда, унинг асосий бўғинига айланиши мумкин бўлган жамоат молиявий назорати ҳақида фикр билдирмаслиги”ни афсус билан қайд этадилар [14].

Қатор олимлар [15], сиёсатчилар фаол фуқароларнинг давлат молиявий назоратига бўлган қизиқишининг ортиб бораётгани сабабларини фуқаролик жамияти ри-



вожланишининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида баҳоламоқдалар.

Россиялик олим В.В. Котов буни қуйидаги омиллар билан изоҳлайди: 2008–2010 йиллардаги бутунжаҳон молиявий инқирози, унда миллий давлат назоратидаги камчиликлар; бюджет ижроси устидан “анъанавий” назорат шакллари-нинг самарасизлиги; фуқаролар ва нодавлат тузилмаларнинг молиявий назоратга кенг жалб этилиши демократик жамиятнинг муҳим кўрсаткичи эканлиги [16]. Бу фикрни ривожлантирган ҳолда шуни қайд этиш жоизки, COVID-19 пандемияси ҳам бюджет харажатлари устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатди [17].

С. Егорова ва Д. Дубковларнинг тадқиқотида иқтисодий соҳадаги ҳуқуқбузарликлар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш зарурлигига эътибор қаратилган. Улар ҳозирги вақтда авж олган коррупция ва иқтисодий соҳадаги жиноятларни камайтиришда жамоатчилик назорати муҳим роль ўйнашини эътироф этадилар [18].

Ёш олима И.Г. Львованинг илмий тадқиқотлари айнан мазкур мавзуга алоқадорлиги билан аҳамиятли. У жамоатчилик назоратини давлат молиявий назоратининг дастлабки шакли, синов босқичи сифатида таҳлил этган [19]. Бизнингча, бу фикр баҳсли. Чунки молия соҳасидаги жамоатчилик назорати ўз номи билан жамоатчилик назорати. Унда субъект жамоатчилик, яъни фуқаролардир. Давлат молия назоратида субъект – давлат органлари ҳисобланади.

Яна айрим тадқиқотларда молиявий жамоатчилик назоратининг у ёки бу жиҳатларига оид масалалар илмий таҳлил этилган. Масалан, С.Е. Прокофьев томонидан давлат бюджети харажатлари устидан жамоатчилик назоратини рақамлаштириш ҳақидаги янги ғоялар илгари сурилган. Ушбу фикрни қўллаб-қув-

ватлаймиз. Чунки рақамлаштириш давр талаби. Усиз ижобий натижага эришиш мушкул [20].

А.Н. Кирпиков ва Ф.Ш. Нугаевларнинг тадқиқотларида давлат молиявий назоратида жамоатчилик назоратининг айрим шакллари жорий этишга оид фикрлар учрайди. Хусусан, жамоатчилик кузатуви институти – давлат молиявий назоратида муҳим восита сифатида талқин этилган [21].

С.М. Миронованинг илмий изланишларида маъмурий ҳудудий бирликлар кесимида молиявий жамоатчилик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари илмий таҳлил қилинган [22].

Баъзи олимлар давлат бюджети ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда асосий субъект сифатида жамоат бирлашмалари [23] ролига кўпроқ эътибор қаратсалар, бошқалари мустақил аудиторлик фирмаларининг ролини кўпроқ қайд этадилар [24].

Биз улардан фарқли равишда, бу жараёнда фуқароларнинг иштирокини кенгроқ илмий таҳлил қиламиз. Давлат бошқарувида фуқароларнинг фаол иштироки демократияни таъминлаганидек, бюджет жараёнида уларнинг қатнашуви соҳада қонун устуворлигига, харажатларнинг мақсадли ва самарали сарфланишга хизмат қилади.

Давлат харажатларини амалга оширишдаги ноқонуний ва самарасиз ҳаракатларни бартараф этиш учун, албатта, фуқароларнинг молиявий назорат соҳасидаги иштирокини янада кучайтириш зарур [25].

Тадқиқотчилар давлат бюджети ижроси устидан жамоатчилик назоратини “фуқаролик жамияти ривожланишининг кўрсаткичи” [26] деб ҳисоблашади. Чунки фақат иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари давлат бошқаруви соҳасида самарали, мустақил ҳамда ҳақиқий назоратни таъминлашга қодир [27].

Олимлар томонидан молиявий жамоатчилик назорати ҳақида қатор фикрлар билдирилган бўлса-да, унинг ҳозирча қонуний таърифи мавжуд эмас. Мутахассислар бундай таъриф учун турли вариантларни таклиф этишмоқда. Масалан, М.А. Лапин ва А.В. Лапинлар “молиявий жамоатчилик назорати – бу фуқаролик жамияти институтлари ва айрим фуқароларнинг қонунлар билан тартибга солинадиган, молиявий режалаштиришнинг ўз вақтида ва тўғрилигини, молиявий ҳамда моддий ресурсларни олиш ҳамда ҳаракатланишининг асосли ва тўлиқлигини, тўғри ва ваколатли давлат органлари ёки жамоатчилик фикрига мурожаат қилиш орқали амалга ошириладиган, улардан фойдаланиш самарадорлиги”, дея таъриф берадилар [28].

С.В. Степашин эса молиявий жамоатчилик назоратини ижро этувчи ҳокимиятнинг давлат маблағлари ва ресурсларидан фойдаланишини устидан жамият номидан амалга ошириладиган мустақил ташқи назорат сифатида таърифлайди [29].

Жамоатчилик молиявий назоратининг ўзига хос хусусиятларини (мақсадлари, амалга ошириш усуллари, ҳуқуқбузарларга таъсир чоралари ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда, баъзи олимлар [30] буни мониторинг деб аташ тўғри бўлар эди, деб ҳисоблашади [30].

Е.В. Терехованинг фикрича, “молиявий жамоатчилик назорати – молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида айрим фуқаролар ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган, молия қонунчилиги бажарилиши, жамоат бирлашмалари томонидан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда молиявий интизомга риоя қилинишини текшириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи” [31, 32].

Юқоридаги таърифларни ўрганган ва тизимлаштирган В.В. Котовнинг ўзи уни қуйидагича изоҳлайди: “Молиявий жамо-

атчилик назорати – бу фуқаролар, жамоат бирлашмалари, шунингдек, нодавлат ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган, ижро этувчи органлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат ресурсларидан оқилона, мақсадли ва қонуний фойдаланишни тасдиқлашга қаратилган фаолияти”.

Бизнинг фикримизча, “жамоатчилик молиявий назорати – бу жамоатчилик назорати ва давлат молиявий назорати кесишмасида юзага келган замонавий назорат тури. Бунда асосий субъект сифатида фуқаролар ҳамда уларнинг бирлашмалари давлат органларининг бюджетни шакллантириш ва ижро этишдаги фаолияти устидан назоратни амалга оширадилар”.

Жамоат молиявий назорати давлат назорати, давлат молиявий назорати таркибига кирмайди. Бу борада В.В. Котовнинг қуйидаги мулоҳазаларига қўшилмаслик имконсиз. Унинг фикрича, ички молиявий назоратни амалга оширадиган назорат органларини молиявий жамоатчилик назорати субъектлари таркибига киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки молиявий жамоатчилик назоратининг “институционал” хусусияти шундаки, унинг субъектлари объектдан ҳақиқий мустақилдир [16]. Шуни қайд этиш керакки, нодавлат молия назоратининг барча турларидан (ташқи ва ички аудит) ушбу назорат фаолияти объективлигини таъминлашнинг зарур шarti – фақат субъектлар мустақиллигини таъминлашдан иборат. Молиявий жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларидан холи бўлган, мустақил жисмоний ва юридик шахслардан иборат бўлиши мумкин.

Ушбу ҳолат молиявий жамоатчилик назорати самарадорлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. С.М. Зубаровнинг ўринли фикрига кўра, “жамоатчилик назорати субъектлари ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий назорат механизмларидан бирдек

фойдаланиши мумкин” [28]. Дарҳақиқат, бюджет ижроси устидан назоратни амалга оширишда ҳам жамоатчилик назоратининг барча субъектлари хизматидан фойдаланиш мумкин. Бунда давлат бюджети лойиҳасининг муҳокамасидан бошлаб ижро якуни бўйича ҳисоботларгача – барчасида жамоатчилик назоратининг субъектлари иштирокининг ҳуқуқий механизмлари жорий этилиши керак.

В.В. Котов молиявий жамоат назорати фақат “давлат ва жамият” ўзаро таъсир модели доирасида кўриб чиқилишини нотўғри деб баҳолайди. Бу фикрини: “Молиявий жамоат назорати объекти фақат давлат эмас, уларга хўжалик юритувчи субъектлар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам киради” [26, 33], дея изоҳлайди. Бизнинг фикримизча, бу ўринда асосий масала – фақат ўзаро таъсир модели эмас, балки давлат ва маҳаллий даражадаги харажатларнинг асосли ва самарали сарфланишидир. Албатта, хўжалик бошқаруви органларининг молиявий фаолияти ҳам жамоатчилик назорати доирасида бўлиши шарт. Афсуски, Ўзбекистонда ҳозирда амалда бўлган Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунда объект сифатида хўжалик бошқаруви органлари кўрсатилмаган [33].

АҚШда ҳам молиявий жамоатчилик назоратини корпоратив муҳитда қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги тушунча XX аср давомида шаклланган. Бунда молия соҳасидаги жамоат назорати турли синовлардан ўтди. Хусусан, унинг имкониятларини бўрттириб кўрсатишдан, тўлиқ рад этишгача ёки бухгалтерлик соҳасида ўзини-ўзи бошқариш мумкин эмаслигини исботлашгача [34]. Лекин бу қарашлар ўзини оқламади. Жамият тараққиёти жамоатчилик назоратини мустақил молиявий назоратнинг энг самарали усули эканлигини исботлади [35].

Шу ўринда “Молиявий назоратда жамоатчилик назоратининг барча субъект-

лари иштирок этиши керакми ёки фуқаролар иштирокига кўп эътибор қаратилиши зарурми?” деган ҳақли савол туғилади. Фикримизча, барча субъектлар иштирокига имконият бериш керак. Ҳозирда “очиқ бюджет”, “фуқаролар бюджети” ғоялари илгари сурилаётган бўлса-да, келажакда жамоатчилик назорати бошқа субъектларининг ҳам молиявий назоратни амалга оширишдаги роли ва имкониятлари кенгайтириб бориши мумкин.

Мазкур йўналишдаги Ўзбекистон тажрибасига эътибор қаратсак, айрим ўзига хосликлар кузатилади. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда, жамоатчилик назорати субъектлари сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари белгиланган [36].

Амалдаги жамоатчилик назоратининг таҳлили, бу йўналишда энг фаол ва самарали иштирок этаётган субъектлар бу – фуқаролар, блогерлар ва оммавий ахборот воситалари эканини кўрсатмоқда. Бошқа субъектлар, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари кўпроқ ўз мақсад-вазифалари билан банд. Ёки кўплаб йирик Жамоат бирлашмалари давлат ташаббуси билан ташкил этилгани учун бу йўналишда улар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари билан баҳслашишдан четда турадилар [37].

Бизнинг фикримизча, ҳозирги реал вазиятдан келиб чиқиб, давлат бюджети харажатлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар иштирокини янада кучайтириш керак.

Бу ҳақида алоҳида тадқиқотлар ҳам ўтказилган. Хусусан, Хай (Давид) Го ва М.И. Нешковаларнинг қайд этишича, “фуқароларнинг давлат бюджетини шакллантириш жараёнларида иштирок этиши ҳам назарийётчилар, ҳам давлат бошқаруви амалиётчилари томонидан кенг

тарғиб қилинган. Шунга қарамай, жамоатчиликни ушбу жараёнга қачон жалб қилиш кераклиги ва фуқароларни жалб қилиш муддати давлат идораларининг натижаларига қандай таъсир қилиши тўғрисида камроқ келишув мавжуд” [38, 39].

### **Тадқиқот натижалари таҳлили**

Муаллифлар бюджет жараёнининг турли босқичларида фуқароларнинг индексларини тузадилар ва иштирокнинг умумий-ташкилий самарадорликка таъсирини ўрганадилар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштироки, бюджет жараёнининг дастлабки босқичида ҳам, якуний босқичида ҳам, яъни маълумот алмашиш ва дастурни баҳолашда ташкилий фаолиятга катта таъсир кўрсатгани кузатилган.

Бизнинг фикримизча, давлат бюджетининг барча босқичларида фуқаролар иштирокини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилиши зарур. Давлат бюджети лойиҳаси, унинг ижроси ва ҳисоботлар жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилиши керак. Бу орқали фуқаролар давлатнинг маблағлари қаердан келаётгани ва қаерга кетаётганини билиши лозим.

Қанча давлат ташкилотлари бу соҳани назорат қилмасин, бунда энг самарали усул жамоатчилик назоратидир. Жамоатчилик назорати қанчалик кўп бўлса, тизимда шунчалик ишончсизликдан яхшиланиш сари ўзгариш бўлади. Мансабдор шахслар ҳам жамоатчилик назоратини эътиборга олиб, қонуний ишлашга интилади. Тизимнинг очиқлигини қанчалик таъминласак, айниқса, пул ўтказиш жараёнида ғазна билан давлат харидлари тўлов тизими чамбарчарс ишласа, қонунчиликни амалда қўллаш шунчалик осонлашади.

Дарҳақиқат, жамоатчилик назорати қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Айни вақтда давлат ва

унинг амалдорлари хатти-ҳаракати устидан назорат олиб борилишида, улар фаолиятида қонунийлик таъминланишида алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги сўнгги амалиётга кўра, давлат бюджети лойиҳаси парламентда қонун лойиҳаси шаклида киритилди ва муҳокама қилиниб, сўнг қабул қилинмоқда. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 97-моддасига мазкур йўналишда муҳим янги норма қўшимча сифатида киритилди. Унга кўра, “Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси, ўрта муддатли давр учун фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига юборилиши, худди шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига юборилишидан олдин мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун параллель равишда эълон қилинади”.

Ҳозирда давлат бюджети, унинг шаклланиши ва тақсимланиши ҳақида маълумотлар очиқлана бошланди. Ўзбекистонда давлат бюджети очиқлигини таъминлаш мақсадида “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилган [40]. Лекин ундаги маълумотлар ҳозирча умумий характерга эга бўлиб, жами даромад ва харажатлар, уларнинг асосий йўналишлари кўрсатилган. Муайян соҳага ажратилган маблағнинг охиригача сарфланишига оид маълумотлар мавжуд эмас. Ваҳоланки, асосий мақсадсиз сарфлаш, ўзлаштириш ва шунга ўхшаш қонун бузилиши ҳолатлари кўпроқ қуйи тизимда кузатилади.

Масалан, Ўзбекистон Молия вазирлиги ахборот хизматининг маълум қилишича, 2021 йил 1-чорақда бюджет интизомига

риоя этилиши ва бюджет маблағларининг мақсадли фойдаланиши юзасидан 1 минг 905 та назорат тадбири ўтказилган. Унга кўра, 211,2 миллиард сўм миқдоридида бюджет интизомини бузиш, пул ва товар-моддий бойликлар камомати ва асоссиз харажатлар аниқланди. Вазирликлар бўйича қуйидаги қонунбузилиш ҳолатлари кузатирилган: Халқ таълими вазирлиги тизимида ўтказилган 248 та назорат тадбирининг 198 тасида 43,3 миллиард сўм миқдоридида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ўтган йилнинг мос даврига (9,4 миллиард сўм) нисбатан 4,6 мартага ошган; Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ўтказилган 275 та назорат тадбирининг 212 тасида 23,3 миллиард сўм миқдоридида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ўтган йилга (7,9 миллиард сўм) нисбатан 2,9 мартага ошган; Мактабгача таълим вазирлиги тизимида ўтказилган 289 та назорат тадбирининг 242 тасида 41,2 миллиард сўм миқдоридида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, бу борада ўтган йилнинг мос даврига (5,4 млрд сўм) нисбатан 7,6 мартага ошган [40].

Ушбу қонунбузарликларнинг катта қисми вазирликларнинг қўйи тизимдаги ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади.

Шундан келиб чиқиб, “Очиқ бюджет” ахборот порталида қайси ташкилотларга қанча маблағ ажратилгани, уларнинг мақсадли сарфлангани, асосий қоидабузарлар ҳақидаги маълумотларни жойлаб, улар бўйича жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш механизмлари ҳам жорий этилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Зеро, Халқаро олий аудит институтлари ташкилоти (INTOSAI) томонидан ҳам олий молиявий назорат органларининг тегишли ҳисоботлари оммавий равишда чоп этилиши ва уларни шакллантиришда жамоатчилик фикри инобатга олиниши юзасидан тавсиялар берилган [41].

Яна бир муҳим йўналиш сифатида давлат бюджети лойиҳасининг муҳокамасида

фуқаролар иштирокини таъминлаш масаласини кўрсатиш ўринли. Умуман, қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, жамоатчилик фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинса, у халқчил бўлади. Худди шундай усул давлат бюджети лойиҳаси бўйича ҳам амалга оширилиши зарур. Ҳозирга қадар кенг жамоатчиликка тақдим этилмаган ҳолда қабул қилинган бюджет, шунингдек, унинг ижросини таъминлашда халқ манфаатларига мос келмаган ҳолатлар жуда кўп кузатирилган.

Охирги вақтларда жамоатчилик, блогерлар, журналистлар томонидан давлат бюджети ижроси, ундаги мавҳумликлар, қонунбузарликлар ҳақида тез-тез чиқишлар кузатилмақда. Улар бюджет шаффофлиги ва харажатлар қонунийлигини исботлашини талаб қилишмоқда. Аниқланган камчиликлар ва қонунбузарликлар ҳақида маълумотлар тез тарқалмоқда.

Давлат органлари, хусусан, Олий Мажлис Сенати, прокуратура ва бошқа органлар томонидан бюджет соҳасида қонунбузарликлар ҳақида маълумотлар очиқланмоқда. Хусусан, Бош прокуратура хабарига кўра, кейинги икки йилда коррупциявий жиноятлар оқибатида республика бўйича 371 млрд сўм бюджет маблағини талонторож қилиш ҳолати аниқланган. Бу қилмишлар учун 2 минг 477 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Қурилиш, коммунал хўжалиги ва йўл қурилишини амалга ошириш учун белгиланган тартиб-таомилларга риоя қилмаслик, пудратчиларни таниш-билишчилик ёки пора эвазига танлаб олиш ёхуд манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш каби коррупциявий ҳолатлар кўплаб кузатилмақда. Ижтимоий тармоқларда бу борада деярли ҳар куни ташвишли хабарлар бериб берилмоқда. 1 минг 379 та янги объектнинг лойиҳа ҳужжати қайта кўриб чиқилганда, дастлабки қийматга нисбатан 1,5 трлн сўм

ёки 22 фоиз харажатлар ортиқча ва асоссиз киритилгани аниқланган [42].

Ёки 2021 йил биринчи чорақда бўлиб ўтган Сенат мажлисида қайд этилишича, 2020 йилда 2,5 мингдан зиёд бюджет муассасида 301 млрд сўмдан ортиқ бюджет маблағлари талон-торож қилинган. Нархларни сунъий ошириш орқали давлат харидларини амалга ошириш ҳолатлари аниқланганлиги ташвишли ҳол. Коррупцияга қўл урган мансабдор шахслар сони кўпайган (2019 йилда 1 минг 339 нафар, 2020 йилда 1 минг 723 нафар).

Таҳлилларга кўра, қурилиш соҳасидаги 44 та қонун ҳужжати экспертизадан ўтказилганда, уларнинг ярмида (23 тасида) 124 та; соғлиқни сақлаш соҳасидаги 70 та қонун ҳужжатининг 19 фоизида (13 тасида) 41 та; таълим соҳасидаги 96 та қонун ҳужжатининг 18 фоизида (17 тасида) 81 та коррупциявий ҳолатлар аниқланган.

2019 йилда ирригация, мелиорация тадбирлари учун ажратилган 1,7 млрд сўм маблағ талон-торож қилинган бўлса, ўтган йилда бундай талон-торожликлар қарийб ўн баробарга ошиб, 16 млрд сўмни ташкил этган. 2019 йилда мазкур йўналишда 92 та жинойт аниқланган бўлса, 2020 йилда бу рақам қарийб тўрт баробарга ошиб, 359 тани ташкил этган [43].

Яна бир фуқароларнинг эътирозига сабаб бўлаётган муаммо аҳолидан турли усуллар орқали йиғилган маблағларнинг давлат бюджетига тушмаслиги. Яъни ижро ҳокимияти тизимидаги турли жамғармаларга йўналтирилиши. Масалан, автомобиль ойналарини қорайтирганлик учун бир йилда 320 млрд сўм (49 млн АҚШ доллари) маблағ тушган. Лекин у давлат бюджетига киритилмаган. Ички ишлар вазирлигининг ривожлантириш жамғармасига тушган. Бундай жамғармаларнинг ёпиқлиги, маълумотларнинг очиқланмаслиги, маблағларнинг қаерга сарфланиши жамоатчиликка маълум қилинмаслиги жиддий муаммодир.

Фикримизча, халқдан йиғиладиган турли солиқ ва тўловларни фақат давлат бюджетига тушадиган механизмни жорий этиш ҳамда унинг очиқлигини таъминлаш зарур. Ижро органларига тушадиган турли тушум ва тўловларнинг имкон қадар камайтирилишига эришиш керак.

Бюджет маблағларини назорат қилишдаги яна бир йўналиш – давлат хизматчилари, амалдорлари мол-мулкани декларация қилиш орқали кузатиб, бу йўналишдаги шаффофликни таъминлашдир. Вьетнамлик олим – Цзяо Конг Вунинг илмий ишларида мазкур масала таҳлил қилинган. У ўз мақоласида Вьетнамдаги давлат хизматчиларининг активлари ва даромадларини назорат қилишнинг амалдаги қонунчилик базаси ва амалиётини тадқиқ қилган. “Вьетнам ҳукумати ўз давлат хизматчиларининг активлари ва даромадларини назорат қила олмайди. Бу, биринчи навбатда, сиёсий тизимдаги операцияларга кучли таъсир кўрсатадиган махфий маданият мавжудлиги билан боғлиқ” [44], дейди Цзяо Конг Ву. Бу ҳозирги Ўзбекистон учун ҳам тегишли. Ҳозирда бу муаммони ҳал этиш, унинг ҳуқуқий механизмларини яратиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бюджет ижросини назорат қилиш соҳасидаги яна бир жиддий масала – бу жамоатчилик, фуқароларнинг ҳам бу масалага муносабати ва ёндашувини ўзгартириш билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Жамоатчилик бюджет соҳасига қизиқиш билдирмаса, ўз ҳуқуқларини талаб қилмаса, вазият ижобий томонга ўзгариши қийин. Шунинг учун фуқароларнинг бюджет соҳасига оид билим ва малакаларини ошириш талаб этилади.

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, давлат бюджети ижроси устидан жамоатчилик, фуқаролик назоратини амалга ошириш соҳасида кузатилаётган муаммоларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

- бюджет очиқлигини таъминлаш соҳасида мавжуд камчиликлар. Бюджет лой-

ихасининг очиқланмаслиги, даромад ва харажатлар ҳақидаги маълумотларнинг кенг жамоатчиликка маълум қилинмаслиги;

- давлат ва маҳаллий бюджетлар лойиҳасини шакллантиришда кенг жамоатчилик иштирокининг етарли эмаслиги. Фуқароларнинг фикрлари эътиборга олинмаслиги. Лойиҳа билан танишиш ва таклиф билдиришнинг қулай механизмлари яратилмаганлиги;

- давлат бюджети қонун лойиҳаси шаклида қабул қилинса-да, дастлаб кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилмаслиги. Унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари шаклланмаганлиги;

- заруратга мувофиқ харажатлар миқдорини вақт нуқтаи назаридан аниқлаш имкониятининг пастлиги. Лойиҳа тасдиқлашга яқин тайёрланиши, айрим йўналишлардаги харажатлар миқдори ўзгариб кетиши. Қайси соҳага қанча маблағ ажратиш кераклигини аниқлаш механизмларининг номукамаллиги;

- давлат бюджети ижроси бўйича жамоатчиликка ҳисоб беришнинг замонавий механизмлари шаклланмаганлиги. Ҳисобдорлик тамойилларига асосан, давлат ташкилотлари ўз даромад ва харажатларига оид маълумотлар ҳақида жамоатчиликка доимий равишда ахборот бериб бормаслиги;

- аҳолининг иқтисодий ва молия соҳасидаги билим, тажриба ҳамда кўникмаларининг талаб даражасида эмаслиги. Бюджетни назорат қилиш соҳасида саводхонлик талаб даражасида эмаслиги ҳамда ун ривожлантиришнинг аниқ ва самарали йўллари татбиқ этилмаганлиги;

- маҳаллий бюджетлар ижросида ҳокимлар таъсирининг кучли эканлиги. Ҳокимларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам ижро, ҳам вакиллик органига раҳбарлик қилиши, маҳаллий бюджет ижросига бевосита таъсир кўрсатиши. Бу айрим ҳолатларда турли суистеъмолчиликларни юзага келтираётганлиги;

- давлат молиявий назоратини амалга оширадиган субъектларнинг ўзи коррупцияга аралашиб қолаётганлиги. Масалан, Бош прокурорнинг таъкидлашича, ўтган икки йилда молия органларининг 41 нафар ходими коррупция ҳолатлари учун жиноий жавобгарликка тортилган [45].

### Хулосалар

Фикримизча, давлат бюджети ижроси устидан фуқаролар ҳамда кенг жамоатчилик назоратини кучайтириш, мазкур соҳада қонун устуворлигини таъминлаш учун қуйидаги йўналишларга жиддий эътибор қаратилиши зарур:

1. Давлат бюджети очиқлигини таъминлаш чораларини янада кучайтириш, унинг ташкилий, ҳуқуқий ва институционал механизмларини янада такомиллаштириш зарур. Бу йўналишда, аввало, Ўзбекистондаги “Очиқ бюджет” ахборот портали янада такомиллаштирилиши, унда бюджет лойиҳасини муҳокама қилиш имкониятлари яратилиши керак. Шунингдек, бюджет лойиҳалари, унинг даромад ва харажатлари бўйича билдирилган таклифларни баҳолаш механизмлари жорий этилиши лозим. Энг фойдали таклифлар, ғояларни рағбатлантириш имкониятлари ҳам платформада акс этиши даркор. Умуман, ушбу платформа орқали давлат бюджетининг ҳар бир кичик элементи гача аҳолида маълумот олиш имконияти яратилиши мақсадга мувофиқ.

2. Жамоатчилик назоратининг турли ва мақбул шаклларида давлат бюджетини назорат қилишда фойдаланиш механизмлари жорий этилиши зарур. Хусусан, бунда жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик текшируви каби шакллар ижобий самара беради, деб ўйлаймиз. Бу шаклларни бюджет назоратига татбиқ этиш орқали давлат бюджети харажатларининг самарали сарфланиши, соҳадаги қонунбузарликларнинг олдини олиш, бюджет ижросига масъул давлат органлари ва уларнинг мансабдор

шахслари масъулиятини оширишга эришилади.

3. Давлат бюджети устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш керак. Олимларнинг эътирофи этишича, “хуқуққа янги субъект сифатида киришга даъво қилаётган” [46] жаҳон ахборот тармоғи – Интернетнинг имкониятларидан фойдаланиш жуда катта самара беради, деб ўйлаймиз. Технологиялар орқали инсон омилини камайтириш, қонун бузилиши ҳолатлари бўйича хабар бериш тизимини жорий этиш бу соҳадаги истиқболли йўналишлар ҳисобланади.

4. Бюджет устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда давлат органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини жорий этиш керак. Ҳозирча бу имкониятлардан деярли фойдаланилмапти. Масалан, Молия вазирлиги соҳада қонунбузилишларини бартараф этиш бўйича турли нодавлат тузилмалар билан ҳамкорлик қилиши мумкин. Жамоатчилик фикрини эшитиш, улар аниқлаган қонунбузарликларга эътибор қаратиш, ушбу соҳада профилактика ишларни кучайтириш ижобий самара беради. Шунингдек, давлат органлари томонидан қуйи тизимдаги бюджет маблағини ўзлаштириш, талон-торож қилиш ва бошқа қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда кўмаклашган фаол жамоатчилик вакилларини рағбатлантириш механизмлари жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

5. Барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ўзларига ажратилган бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича доимий равишда кенг жамоатчиликка ҳисобот бериб бориш механизми жорий этилиши керак. Ҳисоботлар ҳақида аввалдан эълонлар берилиши шарт. Бу жараёнга, айниқса, оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар, экс-

перт ҳамда мутахассислар ҳам жалб этилиши зарур.

6. Фикримизча, мазкур масаланинг жуда долзарблигидан келиб чиқиб, “Давлат бюджети устидан жамоатчилик назорати тўғрисида”ги алоҳида қонунни қабул қилиш зарурати мавжуд. Унда давлат бюджети устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби, объекти ва субъектлари, шакллари, амалга ошириш тартиби, натижалари ва бошқа муҳим муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари аниқ белгиланиши зарур.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасига давлат бюджети харажатлари устидан назорат олиб боришни мувофиқлаштириш ваколати берилиши, унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиши зарур. Бундай амалиёт бир қатор хориж мамлакатлари, хусусан, Россия Федерациясида ҳам мавжуд.

8. Фуқароларнинг иқтисодий ва молия соҳасидаги билимлари ҳамда саводхонлик даражасини ошириш зарур. Бюджетни назорат қилиш бўйича махсус курслар ташкил этиш, бу тадбирларга турли нодавлат нотажорат ташкилотларини кенг жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамиятида аҳоли ўзи тўлаётган солиқлар ва улар қандай мақсадларга сарфланаётганлиги, давлат харажатлари шаклланиши ва уларнинг тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлардан тўлиқ хабардор бўлишга ҳақли. Бюджет лойиҳаси ва унинг ижроси юзасидан хулосаларнинг кенг оммага эълон қилиниши, ҳар бир фуқаро учун мол-мулк ёки иш ҳақидан нима учун солиқ олинаётганлиги, давлат харажатларининг қай тарзда тақсимланаётганлиги, давлат томонидан аҳоли учун керакли шароитларни яратиш бўйича мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида очиқ-ойдин ахборотлар олиш имкониятини беради. Бундан ташқари, аҳоли бюджетни режалаштириш,



унинг харажатларга йўналтириш ва давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилишда иштирок этиш имкониятига эга. Шундай экан, давлат бюджети ижроси устидан жа-

моатчилик назоратини амалга ошириш, унинг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмларини такомиллаштириш жуда муҳим масаладир.

## REFERENCES

1. Frolov A.M. *Finansy i kredit: uchebnoe posobie* [Finance and Credit: Study Guide]. A.M. Frolov, E.A. Trubchaninova, A.A. Larkina. Samara: Samara State University of Architecture and Civil Engineering, 2011, 248 p. ISBN 978-5-9585-0416-9.
2. Costouros G.J. *Auditing in the Athenian state of Golden Age (500 - 300 B.C.)*. The accounting historians journal. Spring, 1978, pp. 41-48.
3. Perera L.S. *The Institutions of Ancient Ceylon from Inscriptions. Volume II. Part II (from 831 to 1016 AD): Economic and Religious Institutions*. International Centre for Ethnic Studies: Kandy, Sri Lanka, 2005, p. 217.
4. Muqimov Z. *O'zbekiston davlati va huquqi tarihi. Oliy o'quv jurtlari talabalari uchun darslik* [History of the state and law of Uzbekistan. Textbook for university students]. Tashkent: Adolat, 2003, 280 p.
5. Tolametova Z.A., Qulmatov A.A. *Amir Temur davlatining iqtisodiy rivozhlanishi va savdo aloqalari* [Economic development and trade relations of Amir Temur's state]. *Ekonomika i finansy – Economics and finance. Uzbekistan*, 2012, no 5. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/amir-temur-davlati/> (accessed 12.03.2015).
6. The International Budget Partnership (IBP), (2012, March). *A Dialogue with Citizens on Budget Issues: The Making of a Citizen's Budget*. Available at: <http://budget.open.gov.ru/upload/iblock/4e4/4e48.pdf/> (accessed 12.03.2015).
7. Hakimov R.R. *Razvitie pravovyh osnov parlamentskogo kontrolja v Uzbekistane: osnovnye polozhenija Zakona «O parlamentskom kontrole»* [Development of the legal framework for parliamentary control in Uzbekistan: the main provisions of the law «On parliamentary control»]. *Zhurnal zarubezhnogo zakonodatel'stva i sravnitel'nogo pravovedenija – Journal of Foreign Law and Comparative Law*. 2016, no 6 (61). Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-pravovyh-osnov-parlamentskogo-kontrolya-v-uzbekistane-osnovnye-polozheniya-zakona-o-parlamentskom-kontrole/> (accessed 24.04.2021).
8. Хакимов Рахим Расулжонович *Развитие правовых основ парламентского контроля в Узбекистане: основные положения Закона «О парламентском контроле»* // *Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения*. 2016. №6 (61).
9. Savinova E.I., Savinov S.V. *Obshhestvennyj finansovyj kontrol' kak osnova zakonnosti formirovaniya dohodov municipal'nyh medicinskih uchrezhdenij* [Public financial control as the basis for the legality of the formation of incomes of municipal medical institutions]. *Sovremennoe pravo – Modern law*, 2007, no 6, pp. 104-105.
9. *The Politics of Budget Execution: Financial Manipulation in State and Local Government*. First Published November 1, 1977. Research Article. Article Information. Vol. 9, issue 3, pp. 367-378. Issue published: November 1, 1977. George E. Hale University of Delaware; Scott R. Douglass Syracuse University. DOI: <https://doi.org/10.1177/009539977700900305/>.
10. Allen Schick *Control Patterns in State Budget Execution*. *Public Administration Review*. Jun., 1964, vol. 24, no 2, pp. 97-106. Published By: Wiley. Available at: <https://www.jstor.org/> (accessed 12.03.2015). DOI: <https://doi.org/10.2307/973452/>.

11. Control and controls: A reexamination of control patterns in budget execution. Fred Thompson, William Zumeta. Policy Sciences. 1981, vol. 13, pp. 25-50.

12. Belikov E.G. Obshhestvennyj finansovyj kontrol' kak faktor razvitija social'noj gosudarstvennosti. Finansovyj kontrol' v sfere publichnyh i chastnyh finansov: Materialy Mezhdunarodnoj nauchno-prakticheskoj konferencii. 25 nojabrja 2016 g. Pod red. I.A. Cindeliani [Public financial control as a factor in the development of social statehood. Financial control in the field of public and private finance: Proceedings of the International Scientific and Practical Conference]. Moscow, RGUP, 2017, pp. 36-37. ISBN: 978-5-93916-621-8/.

13. Semih Bilge A New Approach in Public Budgeting: Citizens' Budget. Journal of International Education and Leadership. Spring 2015, vol. 5, issue 1. Available at: <http://www.jielusa.org/> (accessed 26.04.2021). ISSN: 2161-7252/.

14. Savinova E.I., Savinov S.V. Obshhestvennyj finansovyj kontrol' kak osnova zakonnosti formirovaniya dohodov municipal'nyh medicinskih uchrezhdenij [Public financial control as the basis for the legality of the formation of incomes of municipal medical institutions]. Sovremennoe pravo – Modern law, 2007, no 6, pp. 104-105.

15. Lapina M.A., Lapin A.V. Obshhestvennyj finansovyj kontrol' kak pokazatel' razvitija grazhdanskogo obshhestva [Public financial control as an indicator of the development of civil society]. Finansovoe pravo – Financial Law, 2012, no 4, pp. 2-4.

16. Kotov V.V. On the legal mechanisms of public financial control. Available at: <https://wiselawyer/> (accessed 26.04.2021).

17. Budget Execution Controls to Mitigate Corruption Risk in Pandemic Spending. Kubai Khasiani, Yugo Koshima, Abdoulahi Mfombouot and Ashni Singh. Available at: <https://www.imf.org/-/media/Files/Publications/covid19-special-notes/enspecial-series-on-covid19budget-execution-controls-to-mitigate-corruption-risk-in-pandemic-spendin.ashx+&cd=1&hl=ru&ct=clnk&gl=uz> (accessed 26.04.2021).

18. Egorova S.E., Dubkov D.A. The control of target use financial resources in innovative activity. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/kontrol-tselevogo-ispolzovaniya-byudzhethnyh-sredstv-innovatsionnoy-deyatelnosti/> (accessed 26.04.2021).

19. L'vova I.G. Obshhestvennyj kontrol' kak forma predvaritel'nogo finansovogo kontrolja [Citizens' Control as the Form of Preliminary Financial Control]. Vestnik Omskoj juridicheskoy akademii – Review of the Omsk Law Academy, 2015, no 4 (29).

20. Prokof'ev S.E. Novacii v sfere gosudarstvennogo finansovogo kontrolja, osushhestvljaemogo kaznachejstvom Rossii [Innovations in the field of state financial control carried out by the treasury of Russia]. Finansovaja sistema i finansovyj kontrol' – Financial system and financial control. Available at: <https://cyberleninka.ru/> (accessed 26.04.2021).

21. Kirpikov A.N., Nugaev F.Sh. Institut obshhestvennogo nabljudeniya kak instrument gosudarstvennogo finansovogo kontrolja [The institution of public oversight as an instrument of state financial control]. Nauchnoe obozrenie – Scientific Review, 2016, no 10, pp. 161-164.

22. Mironova S.M. Obshhestvennyj finansovyj kontrol' na municipal'nom urovne: pravovoe regulirovanie i praktika primeneniya [Public financial control at the municipal level: legal regulation and application practice]. Nauchnyj vestnik Volgogradskogo filiala RANHiGS – Scientific Review of the Volgograd branch of the RANEPa. Series: Political Science and Sociology, 2017, no 1, pp. 54-58.

23. L'vova I.G., Burnysheva L.V. Obshhestvennyj finansovyj kontrol' kak instrument gosudarstvennogo upravleniya [Public financial control as an instrument of public administration]. Vestnik Omskoj juridicheskoy akademii – Review of the Omsk Law Academy, 2018, vol. 15, no 4, pp. 487-491.

24. Fedorova I.Yu. State and society: cooperation on the way of modernization of financial control in the context of the contract system. Nauka. Obshhestvo. Oborona – The science. Society. Defense (noo-journal.ru), 2017, no 3 (12).

25. Pravovoe regulirovanie finansovogo kontrolja v Rossijskoj Federacii: problemy i perspektivy: monografija [Legal regulation of financial control in the Russian Federation: problems and prospects: monograph]. Ed. E.Ju. Gracheva. Moscow: NORMA, INFRA-M, 2015, 384 p.

26. Kotov V.V. Finansovyy kontrol' kak mehanizm programmno-orientirovannogo bjudzhetirovaniya: pravovye aspekty [Financial control as a program-oriented budgeting mechanism: legal aspect]. Finansovoe pravo – Financial Law, 2012, no 8, p. 10.

27. Litvinova Ju.M. Problemy osushhestvleniya obshhestvennogo finansovogo kontrolja [Problems of implementation of public financial control]. Carskosel'skie chtenija – Tsarskoye Selo readings, 2016, vol. 3, no XX.

28. Zubarev S.M. Ponjatie i sushhnost' obshhestvennogo kontrolja za dejatel'nost'ju gosudarstvennyh organov [The concept and essence of public control over the activities of government agencies]. Administrativnoe pravo i process – Administrative law and process, 2011, no 5, p. 8.

29. Stepashin S.V. Ot "audi" k auditu. Nezavisimyy finkontrol' kak garant sil'noj Rossii [From "audi" to audit. Independent financial control as a guarantor of a strong Russia]. Rossijskaja gazeta – Russian newspaper, 2009, 24 iyunja, no 4937.

30. Krohina Ju.A. Finansovoe pravo Rossii: Ucheb [Financial law of Russia: Textbook]. Moscow, 2004, p. 147.

31. Savinova E.I., Savinov S. V. Obshhestvennyj finansovyy kontrol' kak osnova zakonnosti formirovaniya dohodov municipal'nyh medicinskih uchrezhdenij [Public financial control as the basis for the legality of the formation of income of municipal medical institutions]. Sovremennoe pravo – Modern law, 2007, no 6, pp. 104-105.

32. Terehova E.V. Finansovo-pravovye aspekty negosudarstvennogo finansovogo kontrolja v Rossijskoj Federacii: Avtoref. dis. ... kand. jurid. Nauk [Financial and legal aspects of non-state financial control in the Russian Federation: Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 2007.

33. Kotov V.V. O problemah sozdaniya i organizacii dejatel'nosti podrazdelenij vnutrennego kontrolja v organah ispolnitel'noj vlasti (mestnoj administracii) [On the problems of creating and organizing the activities of internal control units in executive authorities (local administration)]. SPS "Konsul'tant Pljus".

34. Shirokova T.K. Problemy realizacii obshhestvennogo finansovogo kontrolja v usloviyah protivodejstvija korrupcii. Protivodejstvie korrupcii v regionah rossii: mehanizmy, tendencii, perspektivy. Available at: <http://journal.asu.ru/sidec/article/view/8208/6782/> (accessed 24.04.2021).

35. Oficial'nyj sayt Komiteta po nadzoru za buhgalterskim uchedom v publichnyh kompanijah (SShA). Available at: <http://www.pcaob.org/> (accessed 24.04.2021).

36. Kotov V.V. Obshhestvennyj finansovyy kontrol' v SSHA: istoricheskij i pravovoj aspekty [Public Financial Control in the United States: Historical and Legal Aspects]. Sovremennoe pravo – Modern law. 2009, no 2, pp. 108-112.

37. Narimanov B. O'zbekistonda nodavlat notijorat tashkilotlar tarihi va rivozhlanishining asosij tendencijalari [History and main trends in the development of non-governmental non-profit organizations in Uzbekistan]. Jurist ahborotnomasi – Legal information, 2020. vol. 1, no 3, pp. 18-29.

38. Citizen Input in the Budget Process: When Does It Matter Most? Hai (David) Guo, Milena I. Neshkova. First Published April 29, 2012. Research. Article. DOI: <https://doi.org/10.1177/0275074012443588/>.

39. Davlat haridlari: shartnoma o'rniga gul, hamma yahshi ko'radigan pul va amaldorlarning qarindoshlari yutayotgan tenderlar haqida [Public procurement: about flowers instead of contracts, money that everyone loves, and tenders won by relatives of officials]. Available at: <https://uza.uz/> (accessed 24.04.2021).

40. Information portal "Open Budget". Available at: <https://openbudget.uz> (accessed 24.04.2021)

41. Birinchi chorakda 211,2 milliard so'm miqdorida byudjet mablg'i kamomadi va asossiz harajatlar aniqlandi [In the first quarter, there was a budget deficit of 211.2 billion soums and unreasonable expenditures]. Available at: <https://www.uza.uz/> (accessed 24.04.2021).

42. O'zbekiston Respublikasi Hisob palatasi tomonidan davlat byudjetini shakllantirish va izhro etish yuzasidan hulosalarini e'lon qilish orqali jamoatchilik nazoratini amalga oshirish [Exercising public control by the Accounts Chamber of the Republic of Uzbekistan by publishing its conclusions on the formation and execution of the state budget]. Available at: <http://ach.gov.uz/uz/lists/view/66/> (accessed 24.04.2021).

43. Norboeva T. Byudjet biz uchun eng muhim masala, talon-torajliklarga chek quyish kerak. Norgul Abduraimova, O'zA [The budget is the most important issue for us, we need to put an end to looting. Norgul Abduraimova, UzA]. Available at: <https://uza.uz/uz/> (accessed 24.04.2021).

44. Giao Cong Vu Control of public official's assets and incomes in Vietnam. Jindal Global Law Review, 2018, vol. 9, pp. 75-92.

45. Razhabov O. Talon-torajlik vasvasasi yohud davlat byudjeti mablag'larini noqonuniy o'zlashtirayotgan amaldorlar osmondan tushganmi? [Did the temptation of looting or the misappropriation of state budget funds come down from heaven?]. Available at: <https://uzlidep.uz/news-of-party/7622/> (accessed 12.11.2020).

46. Talapina Je.V. Pravo i cifrovizaciya: novye vyzovy i perspektivy. Gosudarstvo i pravo v sovremennom mire: problemy teorii i istorii [Law and digitalization: new challenges and perspectives. State and law in the modern world: problems of theory and history]. Zhurnal rossijskogo prava – Journal of Russian Law, 2018, no 2, pp. 6-8.